“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖ

“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖ
ижроия органининг 2022 йил 3 чорак
ҲИСОБОТИ

Тошкент ш.
2022 йил

“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖнинг 2022 йил

3 чорак (9 ойлик) бўйича ҳисобот

“MULK-SARMOYA BROKERLIK” АЖнинг асосий фаолияти брокерлик ва депозитар хизматлари хисобланиб, 2022 йил 3 чорак якуни (9 ойлик) бўйича **1505** яъни 49 641 608 дона акциялар ёки жами 79922,47 млн.сўмлик брокерлик битимлари амалга оширилган. Шулардан **430** яъни 11 713 539 дона акциялар ёки жами 32439,23 млн.сўмлик брокерлик битимлари 3 чоракда амалга оширилди.

2022 йил 3 чоракда амалга оширилган битимларнинг **5** та яъни 11 118 196 дона (“Каттакурғон ёғ-мой” АЖ, “Чимбай май” АЖ, “Когон ёг экстракция заводи” АЖ, “Ёггар” АЖ ва “Урганч ёғ-мой” АЖ) акциялар ёки 25256,29 млн.сўмлик брокерлик битимлари давлат улушларини қисман бўлиб-бўлиб сотилишига тўғри келди.



Ўтган йил 3 чораги билан таққослайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич 849 та яъни 11 190 821 дона акциялар ёки жами 81000,0 млн.сўмлик битимлар амалга оширилган эди. Булардан 6 та яъни 5 443 344 дона акциялар еки 74900,0 млн.сўмлик брокерлик битимлари давлат улуши сотилишига тўғри келганди.

Хисобот даврида 1505 та брокерлик битимлари амалга оширилган бўлиб, шундан 923 таси HTS (home trade system) тизими орқали амалга оширилган битимлардир. Шулардан 2022 йил 3 чоракда 430 таси брокерлик битимлари амалга оширилган бўлиб, 172 таси HTS (home trade system) тизими орқали амалга оширилган битимлардир.

Бундан ташқари, хисобот даврида уйишмаган биржадан ташқари савдоларда жами 571 та, 185 134 214 дона ёки бўлмаса 2014,3 млн.сўмлик битимлар амалга оширилди. Шундан 99 та, 184 254 051 дона ёки бўлмаса 417,21 млн.сўмлик битимлар 3 чоракга тўғри келди.

2022 йил 3 чорак якунлари бўйича ялпи даромад – 1479,3 млн. сўмни (Бизнес – режа бўйича ялпи даромад 1069,3 млн. сўм миқдорида белгиланган эди) ташкил этди. Ялпи даромад бўйича Бизнес-режа 138,3% бажарилди. Даромадларнинг 1331,3 млн. сўмлик қисми асосий фаолиятдан (депозитарий ва инвестиция воситачиси хизматлари) олинган бўлиб, қолган 148,0 млн. сўми молиявий фаолиятдан ва бошқа қўшимча даромадлардан тушган пулдир.

Харажатлар 1101,2 млн. сўмни ташкил этди. Бизнес – режа бўйича жами харажатлар 823,7 млн.сўм этиб белгиланган эди. Бизнес – режага асосан харажатлар 133,6% ташкил қилди.

Ҳисобот даврининг соф фойдаси **321,3** млн. сўмни ташкил этиб (Бизнес – режа бўйича соф фойда **208,8** млн. сўм миқдорида белгиланган эди), ушбу кўрсаткичнинг Бизнес – режа бўйича бажарилиши **153,8**% ташкил қилди.



Ўтган йил 3 чорак якуни билан таққослайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич 303,3млн. сўмни ташкил этиб (Бизнес – режа бўйича соф фойда 152,8 млн. сўм миқдорида белгиланган эди).

Ҳисобот даврида молиявий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхонанинг ликвидлилик даражасини ошириш мақсадида жамият томонидан кўрсатилган ҳизматлар хакини ўз вақтида олиш, дебитор қарздорликни камайтириш бўйича доимий равишда ишлар амалга ошириб борилди.

Бу борада ишлар жадал йўлга қўйиб олинган. 2022 йил 9 ойлигида дебиторлик қарздорликни камайтириш бўйича жами 15 та, 271,9 млн. сўмлик даъво аризалари судга киритилган бўлиб, шундан даъво аризаси бўйича суд қарорларига асосан 52,2 млн.сўмлик пул маблағлари ундирилди.

Жамиятнинг устав фонди **936 254 464 сўмни** ташкил этиб, номинал қиймати 512 сўмдан бўлган 1 828 622 дона оддий акциялардан иборат.

2022 йилнинг 31 март холатига “MULK-SARMOYA BROKERLIK” АЖ 2,5 фоиздан 57,3 фоизгача бўлган турли корхоналарда жами 427,9 млн.сўмга яқин улушларга эга. Шундан 8 таси турли вилоятларда “ВАҚТ” номи билан фаолият юритиб келаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналардир.